

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ТОШПУЛАТОВ ИКБОЛЖОН АДилЖОНОВИЧ

**ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Тошпулатов Икболжон Адилжонович

Тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш тизимини
такомиллаштириш.....3

Тошпулатов Икболжон Адилжонович

Совершенствование системы управления конкурентоспособностью
текстильных предприятий.....27

Toshpulatov Ikboljon Adiljonovich

Improvement of competitiveness management system of textile enterprises
.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ТОШПУЛАТОВ ИКБОЛЖОН АДИЛЖОНОВИЧ

**ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – Менежмент

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt607 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Икрамов Мурат Акрамович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахимова Дилфуза Нигматовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Исмоилов Равшанжон Бахритдинович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tsue@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-43-51; e-mail: tsue@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Б.Ю. Ходиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

А.Н. Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишга, ип-калава хомашёсидан қўшимча қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришга, замонавий технологиялар ёрдамида рақобатда устунликка эришишга эътибор қаратмоқда. «Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Ҳиндистон, Мексика, Канада ва Туркия доимий ривожланаётган рақобатчи давлатлар ҳисобланади. Булар орасида энг кучли рақобатчи бўлиб Хитой етакчи ўринда туради, давлатнинг экспорт қиймати 100 млрд. АҚШ доллардан ортиқ бўлиб, жаҳон тўқимачилик саноати улушини тўртдан бир қисмини ташкил этади».¹

Жаҳонда тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш методологиясини такомиллаштириш, рақобатчилик стратегияларини ишлаб чиқишга асосланган ёндашувлар ҳамда рақобатбардошликни баҳолаш услублари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Ҳозирда «Рақобатбардошликнинг миллий ромби» детерминантларидан самарали фойдаланиш, тўқимачилик саноати тармоғидаги рақобат кучларининг ўзаро нисбати ва таъсирини баҳолаш, рақобатчилик стратегиялари ва рақобатбардошликни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш, тармоқ фаолиятининг юқори самарадорлигини таъминловчи бошқариш тизимини такомиллаштириш, ярим тайёр маҳсулотларни қайта ишлаш орқали тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, корхоналарни давлат маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватлаш, қўшимча қиймат яратишнинг ягона занжирини тузиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нисбатан импорт маҳсулотларининг сифат ва бошқа кўрсаткичлар бўйича рақобатда устун жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, миллий тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлаш, бозордан сиқиб чиқарилиш хавфини олдини олиш, корхоналарга муносиб баҳо бериш, йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларни аниқлаш, рақобатбардошлик омилларининг таъсирчанлик даражасини ўрганиш ҳамда бозорга таъсир этиш механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш»² бўйича устувор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни самарали ижросини таъминлаш тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш тизимини такомиллаштиришни тақозо этади.

¹<https://medium.com/global-textile-industry-recent-trends-in-the-market-45d2d2b86392>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // www.lex.uz.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПФ-5285-сон, 2018 йил 21 сентябрдаги «2019 -2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сон, 2019 йил 14 январдаги «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПФ-5630-сон, 2019 йил 17 январдаги 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сон фармонлари, 2019 йил 12 февралдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПҚ-4186-сон қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Рақобатбардошликни бошқариш назариялари, кенгайтирилган рақобат кучлари концепцияси, мамлакатнинг рақобат жиҳатдан устунлик детерминантлари ҳамда рақобатчилик стратегиялари билан боғлиқ масалалар А.А.Томпсон, А.Дж.Стрикленд, А.Смит, И.Ансофф, М.Портер, М. John, L. Peter, J. Steven, R. Huggins, H. Izushi, P. Thompson ва бошқа хорижий олимларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.³

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари томонидан рақобатбардошликни бошқариш бўйича илмий ёндашувлар, корхоналарнинг рақобатбардошлигини баҳолаш усуллари, рақобатбардошликка таъсир этувчи омиллар ҳамда рақобатбардошликни бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича А.Е.Андреева, А.Кузьмин, В.Л.Белоусов, Д.С.Воронов, Н.В.Данилюк, Н.В.Еремеева, С.Л.Калачев, Л.Кириченко, Л.Н.Чайникова, В.Н.Чайников, Н.А.Савельева, Р.А.Фатхутдинов,

³Томпсон А.А., Стрикленд А.Дж. Стратегический менеджмент: концепции и ситуации. Учебник для вузов. – М.: ИНФРА-М, 2000. –412 с.; Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. / Пер. с англ. - М.: Эксмо, 2007. - 960 с.; Ансофф И., Макдоннелл Дж. Новая корпоративная стратегия / Пер. с англ. – СПб.: Питер Ком, 1999. – 416 с.; Портер М. Конкуренция. / Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2005. – 608 с.; John M., Peter L., Steven J. Management: quality and competitiveness. Irwin, Burr Ridge, Illinois Boston, Massachusetts Sydney, Australia, HD 30.23.19. 1994. – pp 658.; Huggins, R., Izushi, H., Thompson, P. Regional Competitiveness: Theories and Methodologies for Empirical Analysis. JCC: The Business and Economics Research Journal, Volume 6, Issue 2, 2013. – pp. 155-172.

Р.Е.Мансуров, С.М.Клименко, Т.В.Омельяненко, Д.О.Барабасъ ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.⁴

Ўзбекистонда тўқимачилик саноатининг рақобатбардошлигини ошириш, рақобатчилик стратегияларини назарий ҳамда амалий жиҳатларини такомиллаштириш масалалари М.Р.Болтабаев, Б.Ю.Ходиев, Н.Қ.Йўлдошев, Н.М.Махмудов, М.А.Икрамов, А.А.Тилляходжаев, З.А.Хакимов, С.Ш.Юсупов, Ш.Х.Назаров ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларида ўрганилган.⁵

Аммо мамлакат тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш механизмларини ишлаб чиқиш, рақобатбардошлиқни бошқариш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар етарлича ўрганилмаганлиги, мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади. Бу эса мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона политехника институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва модернизация қилиш шароитида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишни тадқиқ этиш, бошқаришнинг самарадор

⁴Андреева А.Е. Развитие конкурентоспособности предприятия на основе повышения эффективности применения методов менеджмента качества. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук, Санкт-Петербург-2017. -24 с.; Кузьмин А. Управление международной конкурентоспособностью предприятия: учеб. пособие Львов: Компакт-ЛВ, 2005. -304 с.; Белоусов В.Л. Анализ конкурентоспособности фирмы // Маркетинг в России и за рубежом. – 2001, №5. -63-71 с.; Воронов Д.С. Динамический подход к оценке конкурентоспособности предприятий // Маркетинг в России и за рубежом. 2014, №5. -92-102 с.; Данилюк Н.В. Обеспечение конкурентоспособности организаций сферы услуг на основе методов управления качеством: дис. канд. экон. наук: 08.00.05. - СПб., 2011. – 153 с.; Еремеева Н.В., Калачев С.Л. Конкурентоспособность товаров и услуг. - М.: Колосс, 2006. – 192 с.; Кириченко Л. Механизм управления конкурентоспособностью предприятия // Вестник КНТЭУ, 2009, №1. - 62-66 с.; Чайникова Л.Н., Чайников В.Н. Конкурентоспособность предприятия: учебное пособие. - Тамбов: Изд-во Тамб. гос. техн. ун-та, 2007. – 192 с.; Савельева Н.А. Управление конкурентоспособностью фирмы: учебник. - Ростов н/Д: Феникс, 2009. – 382 с.; Фатхутдинов Р.А. Управление конкурентоспособностью организации: учебник. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Эксмо, 2005. – 538 с.; Мансуров Р.Е. Проблемы повышения экономической эффективности и конкурентоспособности интегрированных агропромышленных структур. – Казань: Изд-во КГЭУ, 2009 г. – 331 с.

⁵Болтабаев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: докторлик диссертацияси. -Т.: ТДИУ, 2005. -242 б.; Ходиев Б.Ю., Беркинов Б.Б. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. -Т.: ADIB, 2010. – 190 б.; Йўлдошев Н., Собиржонова Д., Тўлаганова Ш. Стратегик менежмент. Ўқув қўлланма. - Т.: «Iqtisod-moliya», 2008, -151 б.; Махмудов Н.М., Ақобирова Д. Стратегия инновационного развития промышленности Республики Узбекистан в период модернизации экономики. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2011. – 352 б.; Икрамов М.А., Қўчқоров А.Х. Стратегик менежмент. Ўқув қўлланма. - Т.: «Iqtisod-moliya», 2005, -152 б.; Тилляходжаев А.А. Тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг замонавий маркетинг стратегияларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Т.:2018. -133 б.; Хакимов З.А. Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.:2017. -141 б.; Юсупов С.Ш. Кучли рақобат шароитида Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантириш стратегиялари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.:2018. -144 б.; Назаров Ш.Х. Совершенствование методологических основ повышения конкурентоспособности регионов Узбекистана: диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук, - Т.: ТДИУ, 2016. -233 с.

услуг ва технологияларини яратиш ҳамда такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик корхоналарида рақобатбардошликни бошқаришнинг назарий ва услубий жиҳатларини тадқиқ этиш;

тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлик даражасини бошқариш тизимига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

рақобатбардошликни бошқариш жараёни ва тизимини самарали бошқариш йўналишларини тадқиқ этиш;

жаҳон тўқимачилик бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи Хитой ва Туркия мамлакатларининг рақобатбардошликни бошқариш тажрибаларини таҳлилий ўрганиш ҳамда уларни мамлакатда қўллаш бўйича тавсиялар бериш;

тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлик даражасини таҳлил этиш;

мамлакатда ташкил этилаётган кластерлар фаолиятини таҳлил этиш асосида соҳадаги муаммоларни аниқлаш, корхоналарнинг рақобатбардошлигига хизмат қилувчи самарали кластер моделини ишлаб чиқиш;

корхоналар рақобатбардошлик даражасини баҳолаш услубларини тадқиқ этиш асосида тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш механизмининг такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш тизимини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб иқтисодий эркинлаштириш шароитида тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш жараёнларида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш, SWOT таҳлил, статистик таҳлил, иқтисодий таҳлил, социологик кузатув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш тизими ишлаб чиқаришнинг замонавий техник-технологик таркибини

шакллантиришни таъминловчи инновацион лойиҳалар бўлимини ташкил этиш асосида такомиллаштирилган;

тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолаш усули менежмент самарадорлиги, маҳсулот сифати, сотиш ҳажми, нарх даражаси ва бозор улуши билан боғлиқ омилларни интеграциялаш асосида такомиллаштирилган;

тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш механизми рақобатбардошликни бошқариш даражасини интеграл баҳолаш, рақобатда устунлик стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни мониторинг қилиш жараёнларини уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш стратегияси маҳсулот таннархининг оптимал таркибий тузилмасини белгилаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик корхоналарининг хусусиятларидан келиб чиқиб, корхоналар рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилувчи рақобатбардошликни бошқариш тизими, механизми ва технологияси ишлаб чиқилган;

«Қуватекстил» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасининг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилувчи рақобатчилик стратегияси ишлаб чиқилган;

«Пахта – тўқимачилик – тикувчилик – савдо кластери» таркибидаги барча хўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият мониторингини таъминлаш мақсадида маҳаллий ҳокимиятлар қошида «Кластер менежменти» бўлимини ташкил этиш таклиф этилган;

тўқимачилик саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш салоҳияти динамикаси таҳлил этилган ҳамда тўқимачилик саноати корхоналарининг рақобатда заиф томонлари аниқланган;

BCG матрицаси ёрдамида Фарғона вилоятидаги энг йирик рақобатчи тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлик даражаси баҳоланган ва унга мос стратегия тури тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган маълумотлар ва улар таниқли иқтисодчи олимларнинг тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш тизими бўйича илмий – назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилинганлиги, ахборот базаси миллий ва нуфузли корхоналарнинг расмий манбаларидан, хусусан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларидан олинганлиги, натижаларни «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижаларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш тизимини такомиллаштириш масалаларига қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса таклиф этилган «Пахта – тўқимачилик – тикувчилик – савдо кластери»дан, тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш тизими, механизми, технологияси, баҳолаш усули ва тавсиялардан «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси ва унга аъзо тўқимачилик корхоналари фаолиятида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, тадқиқот натижаларидан «Стратегик менежмент», «Рақобат сиёсати», «Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш» фанларидан маърузалар матни, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш тизимини ишлаб чиқаришнинг замонавий техник-технологик таркибини шакллантиришни таъминловчи инновацион лойиҳалар бўлимини ташкил этиш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналардан «Dream day textile» масъулияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2019 йил 2 майдаги 04/06-2679-сон маълумотномаси). Натижада «Dream day textile» масъулияти чекланган жамиятининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 7,5 фоизга оширишга эришилган;

тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш даражасини баҳолаш усулини менежмент самарадорлиги, маҳсулот сифати, сотиш ҳажми, нарх даражаси ва бозор улуши билан боғлиқ омилларни интеграциялаш асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналардан «Қуватекстил» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасининг рақобатбардошлигини бошқариш фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2019 йил 2 майдаги 04/06-2679-сон маълумотномаси). Натижада «Қуватекстил» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасининг бозор улушини 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 2,3 фоизга оширишга эришилган;

тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш механизмини рақобатбардошликни бошқариш даражасини интеграл баҳолаш, рақобатда устунлик стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни мониторинг қилиш жараёнларини уйғунлаштириш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналардан «Қуватекстил» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасининг рақобатбардошлигини бошқариш амалиётига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2019 йил 2 майдаги 04/06-2679-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни «Қуватекстил» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасининг рақобатбардошлигини бошқариш амалиётига жорий этилиши

натижасида, корхонанинг рақобатбардошлигини бошқариш самарадорлигини 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 1,03 баробарга оширишга эришилган;

тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш стратегиясини маҳсулот таннархининг оптимал таркибий тузилмасини белгилаш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасига аъзо корхоналардан «Fergana-Oseana» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш фаолиятига жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2019 йил 2 майдаги 04/06-2679-сон маълумотномаси). Натижада «Fergana-Oseana» масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасининг соф фойдасини 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 13,5 фоизга оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 6 та илмий мақола, жумладан, 1 таси хорижий, 5 таси республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 131 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини бошқаришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида, инновацион иқтисодиётни ташкил этишда рақобатнинг ўрни, тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш зарурияти, принциплари, рақобатбардошликни бошқариш тизимига таъсир этувчи омиллар, рақобатбардошликни бошқариш жараёни ва бошқарув тизими ўрганилган, шунингдек, тўқимачилик корхоналарида рақобатбардошликни бошқаришнинг назарий ва услубий жиҳатлари турли ёндашувлар бўйича тадқиқотчилар қарашлари асосида тадқиқ этилган ҳамда умумий хулосалар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда халқаро стандартларга мос равишда юқори сифатли маҳсулот ишлаб


чиқаришни ташкил этиш ва рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий тўқимачилик маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорига кириб бориши, маҳсулотларнинг сифати, нархи ва унинг сервиси каби омиллар бўйича рақобатда устунликларга эга бўлиш зарурлигини талаб этмоқда. Кучли рақобат муҳитида тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлашда оқилона бошқарув қарорини қабул қилиш, аввалги тажриба ва таҳлилларга таяниш ҳар доим ҳам самарали бўлмаслиги мумкин. Бундай муҳитда тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш тизимидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертацияда тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш тизимини ишлаб чиқишда корхоналарнинг умумий салоҳиятидан келиб чиқиш зарурлиги, бунда ишлаб чиқариш қуввати, жиҳозларнинг техник даражаси, ишчи-ҳодимлар малакаси, корхонанинг молиявий ҳолати, ишлаб чиқариш жараёнларини шакллари ва усулларига эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланган.

Муаллифнинг фикрича, Ўзбекистон тўқимачилик саноатида Портернинг моделида кўрсатилган тармоқдаги мавжуд фирмалар ўртасидаги рақобат, товар ўринбосарлари ва янги рақобатчиларни кириб келиш кучлари тармоқда рақобат муҳитини шаклланишига таъсир этмоқда. Бундай муҳитда кучли рақобатчи корхоналарга нисбатан устунликка эришишга хизмат қилувчи рақобатбардошликни бошқариш тизими ёрдамида самарали рақобатчилик стратегиясидан фойдаланиш тавсия этилган.

Тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш тизими ички ва ташқи манфаатлар нуқтаи-назаридан кучли рақобат муҳитида хавф солувчи таҳдидларга муносиб жавоб бериш, ташкилий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа ўзгаришларда самарали фаолият юритиш, рақобат устунликлари бўйича чора-тадбирлар кўриш ва рақобат заифликларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, бозордаги рақиб маҳсулотларга нисбатан устунлик томонларини кенгайтириш ҳамда фарқли ижобий хусусиятларни ошириш имкониятини беради.

Рақобатбардошликни бошқариш тизими рақобат даражасига мувофиқ маркетинг хизматини ривожлантириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини ошириш, маҳсулот таннархи таркибидаги харажатларни қисқартириш, техника-технологиялардан интенсив фойдаланиш, кадрлар меҳнат салоҳиятини ошириш каби чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда корхоналарни замонавий техника-технологияга бўлган эҳтиёжини ўрганиш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича тадқиқот ишлари олиб бориш, ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларини татбиқ этиш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига қўллаш бўйича инновацион лойиҳалар бўлимини ташкил этиш асосида таклиф этилган (1-расм).



1-расм. Тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш тизими⁶

Тадқиқот натижаларига кўра, ривожланишнинг ҳозирги босқичи иқтисодий жараёнларни бошқаришда янгича ёндашувларни амалга ошириш, иқтисодиёт тармоқларида рақобатбардошликни таъминлашнинг замонавий механизмларини татбиқ этиш, тўқимачилик маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш орқали жаҳон бозорида рақобат устунликларига эришиш, ишлаб чиқариш жараёнларини ва бошқарув тизимини замонавийлаштириш ҳамда такомиллаштириш орқали юқори иқтисодий самарадорликка эришиш, янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш асосида аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш тармоқнинг устувор вазифа ва мақсадлари бўлиб хизмат қилиши зарур.

⁶Муаллиф ишланмаси

Диссертациянинг «Тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш тизимига таъсир этувчи омиллар таҳлили» деб номланган иккинчи бобида тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқаришни Хитой ва Туркия мамлакатлари тажрибаси ўрганилган ҳамда уларни мамлакатда қўллаш бўйича чора-тадбирлар таклиф этилган, Ўзбекистон Республикаси ва ҳудудлардан Фарғона вилоятининг тўқимачилик саноати рақобатбардошлик даражалари таҳлилий ўрганилган ҳолда тўқимачилик саноатининг рақобатда заиф томонлари тадқиқ этилган, «Пахта - тўқимачилик кластери» фаолияти таҳлилий ўрганилган, йўл қўйилаётган камчилик ва муаммолар юзасидан «**Пахта – тикувчилик – савдо кластери**»ни қўллаш зарурияти асослаб берилган.

Хитой ва Туркия мамлакатларининг рақобатбардошликни бошқариш тажрибалари асосида Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг рақобатбардошлигини таъминлашда мамлакат, тармоқ, корхона миқёсида амалга ошириш зарур бўлган қуйидаги чора-тадбирлар тавсия этилган, **мамлакат миқёсида:** тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳудудларни ихтисослаштириш, тармоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналарига кредит, солиқ ва божхона сиёсати бўйича имтиёзлар бериш, мослашувчан ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва кичик саноат гуруҳларини кўпайтириш таклиф этилган; **тармоқ миқёсида:** савдо тармоғини кенгайтириш, синтетик толалар, жун маҳсулотлари ва мато ишлаб чиқариш корхоналари сонини кўпайтириш, халқаро стандартларга мувофиқ сифат менежментини барча корхоналарга жорий этиш таклиф этилган; **корхона миқёсида:** газлама, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маҳсулот сифатини ошириш, ассортиментини кўпайтириш мақсадида инновация бўлимини ташкил этиш, бошқарув тизимида замонавий тамойилларни қўллаш ва маркетинг хизматини ривожлантириш таклиф этилган.

«Мамлакатда 7 мингдан зиёд тўқимачилик корхоналари бўлиб, улар йиллик 650 минг тонна ип-калава, 425 миллион квадрат метр ип газлама, 140,7 минг тонна ип газламали трикотаж матолар, 660 миллион дона тайёр трикотаж маҳсулотлари, 132 миллион жуфт пайпоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга».⁷ Агар бундан бир аср олдин хомашё ишлаб чиқарувчилар 50 % фойда олган бўлсалар, бугунги кунда хомашё етиштириб берувчи мамлакатлар фойдаси 10 % дан ҳам камроқни ташкил этмоқда, 60 % дан ортиқ фойдани тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар олмоқда. Шунинг учун мамлакатда тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, кийим-кечаклар, газламалар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратиш зарур.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикасининг тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳолати бўйича статистик кўрсаткичлар таҳлил этилган (1-жадвал).

⁷<http://invest.gov.uz/uz/investor/textile/>

**Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб
чиқариш ҳажми (млрд. сўм)⁸**


№	Кўрсаткичлар	Йиллар					2018 йил 2014 йилга нисбатан, коэффициентда
		2014	2015	2016	2017	2018	
1.	Тўқимачилик толасини тайёрлаш ва йиғириш	5850,2	6539,8	7620,3	10699,7	17135,8	2,9
2.	Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	507,4	655,4	758,8	1113,7	1936,6	3,8
3.	Тўқимачилик маҳсулотларига ишлов бериш	48,7	59,7	84,7	355,7	151,4	3,1
4.	Бошқа тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	4471,4	5986,8	4871,5	4594,2	5611,3	1,3

Жадвал маълумотларига кўра, мамлакатда тўқимачилик толасини тайёрлаш ва йиғириш 2014 йилга нисбатан 2018 йилда 2,9 коэффициент ёки 11285,6 млрд. сўмга, тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2014 йилга нисбатан 2018 йилда 3,8 коэффициент ёки 1429,2 млрд. сўмга, тўқимачилик маҳсулотларига ишлов бериш 2014 йилга нисбатан 2018 йилда 3,1 коэффициент ёки 102,7 млрд. сўмга, бошқа тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2014 йилга нисбатан 2018 йилда 1,3 коэффициент ёки 1139,9 млрд. сўмга ортган.

Тўқимачилик саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича тадқиқот ишида таҳлил этилган статистик кўрсаткичларга кўра, Ўзбекистон тўқимачилик саноатининг рақобатда заиф томонлари сифатида тўқувчилик дастгоҳларининг маънавий эскирганлиги, малакали муҳандис-техник ходимларнинг етишмаслиги, газлама, мато маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашувнинг пастлиги, айрим ҳудудларда толани ўзлаштириш даражасини пастлиги, халқаро стандартларга мувофиқ сифат менежментини жорий этган корхоналар сонини камлиги таъкидланди. Ушбу масалалар ўзаро бир-бирига боғлиқ, толани ўзлаштириш даражаси пастлиги тўқимачиликка, мато ишлаб чиқариш ривожланмаганлиги кийим-кечак ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, замонавий техника билан жиҳозланиш даражасининг пастлиги халқаро стандартларга мувофиқ сифат менежментини жорий этилмаганлигига кучли таъсир этмоқда. Ушбу муаммолар ечимини топишда тўқимачилик корхоналари учун замонавий дастгоҳлар келтириш, муҳандис-техник ходимларни ўқитиш тизимини ривожлантиришга эътибор қаратиш тавсия этилади.

⁸Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Тадқиқотлар асосида муаллиф Ўзбекистон Республикасида ташкил этилаётган «Пахта - тўқимачилик кластери»ни «Пахта – тўқимачилик – тикувчилик – савдо кластери» асосида ташкил этишни таклиф этган (2-расм).



2-расм. «Пахта – тўқимачилик – тикувчилик – савдо кластери»⁹

Ўзбекистон Республикасида ташкил этилаётган кластерлар тўқимачилик корхоналари учун зарур хомашё таъминотидаги муаммоларни бартараф этиш билан бирга, фермер хўжалиklarини молиявий томондан қўллаб-қувватлаш, ишчиларни иш ҳақи билан таъминлаш каби энг долзарб масалалар билан боғлиқ муаммолар ечими бўлганлиги таъкидланди. Шу билан бирга, муаллиф кластер тизимини қўллашда баъзи камчиликлар ҳам аниқланганлигини билдирди. Фермер хўжалиklари, пахта тозалаш корхоналари билан кластер ташкилоти ўртасида келишмовчиликлар кузатилганлиги, бунда баъзи фермер

⁹Муаллиф ишланмаси

хўжаликлари кластер ташкилоти томонидан ажратилган молиявий ва бошқа ресурслардан фойдаланишда тартибларга риоя этмаслиги каби ҳолатлар аниқланган.

Кластердаги энг асосий ўзгариш «Кластер менежменти» бўлимини ташкил этиш ҳисобланади. «Кластер менежменти» бўлими фермер хўжаликлари, пахта тозалаш, йигириш, тўқимачилик, тикувчилик корхоналари ва савдо ташкилоти фаолиятини тартибга солади. Шартномада кўрсатилган талаб бўйича маҳсулот сифати ва ҳажмини бажармаган корхоналар учун тегишли чоралар кўриши, шартномада белгиланган тартибга амал қилинишини назорат қилиш, белгиланган миқдордаги пахта хом-ашёсини етиштирмаган фермер хўжалигини тендер асосида бошқа шахсга бериш каби функцияларни бошқарма ваколатига киритиш тавсия этилади. «Кластер менежменти» бўлимининг моддий таъминоти «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан молиялаштирилади, чунки мамлакатда кластер тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш уюшманинг асосий функцияларидан ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Тўқимачилик корхоналари рақобатбардошлигини бошқариш тизимини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш**» деб номланган учинчи бобда тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш даражасини аниқлашда қўлланиладиган баҳолаш усули такомиллаштирилган, рақобатбардошликни бошқариш механизми ва механизм ҳаракатини таъминловчи рақобатбардошликни бошқариш технологияси ишлаб чиқилган, рақобатбардошликни бошқаришда оптимал харажатлар стратегиясини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги илмий асосланган, шунингдек, тўқимачилик корхоналари учун рақобатбардошликни бошқариш тизимини татбиқ этиш самарадорлиги аниқланган.

Диссертацияда тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш даражасини аниқлашда қўлланиладиган баҳолаш усули корхоналар рақобатбардошлигига тўлақонли баҳо беришга имкон берувчи самарали рақобат назариясига асосланган усулдан фойдаланган ҳолда такомиллаштирилган. Тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш даражасини аниқлаш кўрсаткичларини, муаллиф эконометрик таҳлилдан фойдаланган ҳолда, тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар сифатида маркетинг фаолияти, бошқарув тизими, нархнинг ўзгариши ва сифат назорати фаолиятлари аниқланган. Корхона рақобатбардошлигини бошқаришни маркетинг билан боғлашнинг энг асосий сабаби маркетинг тадқиқотлари натижасида ташқи ва ички муҳитдаги ахборотларни тўплашга, рақобатчилар позициясини аниқлашга, истеъмолчилар талабини тадқиқ этишга эришилади, натижада корхона рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилувчи оптимал қарорлар қабул қилишда, бошқарув мақсадларини белгилашда, рақобатбардошликнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқишда асосий восита сифатида фойдаланилади.

Корхонанинг рақобатбардошлигини баҳолаш дастлаб маркетинг фаолияти билан боғлиқ қуйидаги кўрсаткичлар асосида аниқланади:

Бозор улуши коэффиценти ($K_{бу}$):

$$K_{бу} = \frac{Q_i}{\sum Q_i} \quad (1)$$

Бу ерда: Q_i - корхонанинг маҳсулот сотиш ҳажми;

$\sum Q_i$ -бозорнинг умумий маҳсулот сотиш ҳажми.

Бозор улуши коэффиценти корхонанинг минтақа ёки ҳудуд бозорларидаги улушини кўрсатади.

Маҳсулотни олдиндан сотишга тайёрлаш коэффиценти ($K_{ос}$):

$$K_{ос} = \frac{X_{ос}}{X_{ис}} \quad (2)$$

Бу ерда: $X_{ос}$ -маҳсулотни олдиндан сотишга тайёрлаш харажатлар миқдори;

$X_{ис}$ - маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари миқдори.

Ушбу кўрсаткич маҳсулотга сарфланадиган харажатларни олдиндан аниқлаш имконини беради ва корхона рақобатбардошлик даражасини ошишига хизмат қилади. Агар ҳисобот даврида маҳсулот олдиндан тайёрлаб сотишни талаб қилмаса, қуйидагича қабул қилинади: $K_{ос}=1$

Сотиш ҳажмининг ўзгариши коэффиценти (K_p):

$$K_p = \frac{Q_o}{Q_б} \quad (3)$$

Бу ерда: Q_o - ҳисобот даврининг охирига маҳсулот сотиш ҳажми;

$Q_б$ - ҳисобот даври бошида маҳсулот сотиш ҳажми.

Сотиш ҳажмини ўзгариши корхона рақобатбардошлигининг юқорилигини ёки пастлигини кўрсатади.

Нарх даражаси коэффиценти (K_n):

$$K_n = \frac{H_{max}+H_{min}}{2 \cdot H_k} \quad (4)$$

Бу ерда: H_{max} -бозорда товарнинг максимал нархи;

H_{min} - бозорда товарнинг минимал нархи;

H_k - корхона томонидан белгиланган маҳсулот нархи.

Маҳсулот нархлари ўртасидаги динамика корхона рақобатбардошлигини юқорилиги ёки пастлигини кўрсатади.

Маҳсулотни истеъмолчига етказиш коэффиценти ($K_{ие}$):

$$K_{ие} = K_p * \frac{X_{ие о}}{X_{ие б}} \quad (5)$$

Бу ерда: K_p – сотиш ҳажмининг ўзгариш коэффиценти;

$X_{ие о}$ - ҳисобот даврининг охирига сотиш бўлими харажатлари;

$X_{ие б}$ - ҳисобот даврининг бошига сотиш бўлими харажатлари.

Сотиш бўлими фаолиятини яхшиланиши корхона рақобатбардошлигини ошириш имкониятини оширади.

Реклама фаолияти коэффиценти ($K_{рек}$):

$$K_{рек} = K_p * \frac{X_{рек о}}{X_{рек б}} \quad (6)$$

Бу ерда: $X_{рек о}$ - ҳисобот даврининг охирига реклама фаолияти харажатлари;

$X_{рек б}$ - ҳисобот даврининг бошига реклама фаолияти харажатлари.

Реклама иш фаолиятини такомиллаштириш корхона рақобатбардошлигини ошириш имкониятини беради.

Маҳсулот сотишда махсус хизматлардан фойдаланиш коэффициенти ($K_{мх}$):

$$K_{мх} = K_p * \frac{X_{са о}}{X_{са б}} \quad (7)$$

Бу ерда: $X_{са о}$ - ҳисобот даврининг охирига савдо агентларига тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

$X_{са б}$ - ҳисобот даврининг бошига савдо агентларига тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари.

Маҳсулот сотишда савдо агентликлари хизматидан самарали фойдаланиш корхонанинг рақобатбардошликни ошириш имкониятини кўрсатади.

Маҳаллий жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари коэффициенти ($K_{жам}$):

$$K_{жам} = K_p * \frac{X_{жам о}}{X_{жам б}} \quad (8)$$

Бу ерда: $X_{жам о}$ - ҳисобот даврининг охирига маҳаллий жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик харажатлари;

$X_{жам б}$ - ҳисобот даврининг бошига жамоатчилик билан ҳамкорлик харажатлари.

Корхонанинг маҳаллий жамоатчилик ташкилотлари билан самарали муносабатлари рақобатбардошликни ошириш имкониятини оширади.

Маълум бир рақобатдош маҳсулот учун маркетинг фаолиятининг рақобатбардошлигининг якуний кўрсаткичи геометрик ўртача формуласи билан аниқланади.

$$\bar{K}_{марк i} = \sqrt[L]{K_{бу} * K_{ос} * K_p * K_n * K_{ие} * K_{рек} * K_{мх} * K_{жам}} \quad (9)$$

Бу ерда: $\bar{K}_{марк i}$ - муайян рақобатдош маҳсулот учун маркетинг фаолияти рақобатбардошлик кўрсаткичи; L - кўрсаткичлар умумий сони (бу ҳолда L=8)

Сўнгра, корхонанинг рақобатбардошлигини баҳолаш учун бошқарув самарадорлиги кўрсаткичидан фойдаланилади.¹⁰

$$БС = \frac{УСК}{БХ} \quad (10)$$

Бу ерда: БС – бошқарув самарадорлиги

УСК – умумий самарадорлик кўрсаткичлари

БХ – бошқарув харажатлари

Бошқарув самарадорлиги коэффициенти қанча юқори бўлса шунча яхши, бу коэффициент бошқа баҳолаш кўрсаткичларига мос келади.

Шунингдек, рақобатбардошликни баҳолашда маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш талаб этилади. Маҳсулотларнинг сифат

¹⁰Иванова Е.А. Теория менеджмента. Учебное пособие. – М.: МИИТ, 2014. - 147 с.

кўрсаткичларини баҳолаш учун бир турдаги ип-калавалардан намуналар олган ҳолда, лаборатория ускунаси ёрдамида назоратдан ўтказилади. Текшириш натижалари бўйича ипларнинг ингичкалиги (Thin), қалинлиги (Thick), нотекислиги (Neps) ва пишиқлиги (Rnt) каби асосий маълумотлар йиғилади. Натижалар давлат стандарти талабларига жавоб берса 1 коэффицент билан, бермаса 0 коэффицент билан баҳоланади. Коэффицент билан баҳолашнинг асосий сабаби, юқоридаги маркетинг ва бошқарув самарадорлиги кўрсаткичларининг бирлигига мослаштириш ҳисобланади. Ип-калаваларнинг стандарт кўрсаткичлардан пастлиги маҳсулот сифат даражаси юқорилигидан, юқорилиги эса аксинча, маҳсулот сифат даражаси пастлигидан дарак беради. Шунинг учун иккита коэффицентдан 0 ва 1 дан фойдаланилади. Умумий ҳолда, маҳсулотларни текшириш натижаларидаги танлаб олинган кўрсаткичлар сонидан келиб чиққан ҳолда энг юқори қийматлик аниқланади. Тадқиқотда 4 та энг асосий сифат кўрсаткичлари танлаб олинганлиги сабабли, коэффицентлар йиғиндиси 4 га интилса маҳсулотнинг сифат даражаси юқори бўлади.

Шундай қилиб, корхонанинг рақобатбардошлигини (КР) ҳисоблаш учун куйидаги формуладан фойдаланилади:

$$КР = \bar{K}_{\text{марк } i} + K_{\text{ск}} + K_{\text{бс}} \quad (11)$$

Бу ерда: КР-корхонанинг рақобатбардошлик даражаси (коэффицентда);

$\bar{K}_{\text{марк } i}$ - маркетинг фаолияти билан боғлиқ омилларнинг рақобатбардошлик кўрсаткичи (коэффицентда);

$K_{\text{ск}}$ – маҳсулотнинг сифат кўрсаткичи (коэффицентда);

$K_{\text{бс}}$ – бошқарув самарадорлиги коэффиценти.
